

34  
P.92

32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

М.Х.РУСТАМБАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ  
“МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК  
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”НИ  
ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МАЪРУЗА МАТНИ

2032259

Тошкент  
«Адолат»  
2011

TATU KUTUBXONASI  
368955-30M1  
O'QUV ZATI  
TATU  
KUTUBXONASI

УДК: 347(575.1)  
ББК 66.3 (5Ў)  
Ў17

Ғаро (ғароғарғарғар)

Ў17 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг  
“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-  
риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни  
ўрганиш бўйича маъруза матни: – Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти – Т.:  
«Адолат», 2011 й. – 156 б.

ISBN 978-9943-394-12-4

УДК: 347(575.1)

ББК 66.3 (5Ў)

Маъруза матни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг  
2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик  
ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концеп-  
цияси» деб номланган маърузаси бўйича тайёрланган. Маъруза матни мамлакатимизда  
демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор йўналишлар: дав-  
лат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш; суд-ҳуқук тизимини ислох этиш;  
ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш; Ўзбекистонда  
сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш; фу-  
қаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш; демократик бозор  
ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг маз-  
мун-моҳиятини ёритиб беришга қаратилган.

Ушбу маъруза матни олий ўқув юртлири талабалари, ўқитувчилар, илмий хо-  
димлар, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек ўрта-маҳсус касб-хунар таълим муассаса-  
лари, ўрта мактаб ўқувчилари ҳамда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларида  
амалга оширалаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда кучли фу-  
қаролик жамиятини шакллантириш масалаларига кизиқувчи кенг китобхонлар оммасига  
мўлжалланган.

Ў 1201000000 – 015  
— 2011  
(04) – 2011

ISBN 978-9943-394-12-4

© М.Х.Рустамбаев, 2011 йил.

© Тошкент давлат юридик институти, 2011 йил.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги  
«Адолат» нашриёти, 2011 йил.

10'QUV ZALI

## КИРИШ

Давлат ҳокимияти тизими, жамиятнинг иқтисодий асослари ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар демократик ислохотларнинг ва мамлакатни модернизация қилишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шу билан бирга, амалга оширилаётган муҳим ислохотлар жамият ҳаётида ижтимоий муносабатларнинг янада ривожланишига, демократик ўзгаришларнинг чуқурлаштирилишига, умуминсоний неъматларни, биринчи навбатда, шахс, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас табиий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кафолатларининг кучайтирилишига таъсир қилади ва улар учун зарур шароитларни яратади. Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президент И. Каримов таъкидлаганидек, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган янги 2011 йил остонасида турибмиз, тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан **ўтган давр мобайнида халқ ҳаёти сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда<sup>1</sup>. Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни **замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш** борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш**

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 3-б.

**концепцияси**” деб номланган дастурий аҳамиятга эга маъруза-сида амалга оширилган ислохотлар натижалари қуйидаги олтита устувор йўналишларга ажратилган ҳолда, чуқур таҳлил қилинди:

I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;

II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш;

III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва суз эркинлигини таъминлаш;

IV. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;

V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;

VI. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш<sup>1</sup>.

Ҳар бир йўналиш бўйича амалга оширилган ислохотларга баҳо бериш билан бирга, давлат бошлиғи демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Шуни қайд этиш керакки, мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича Ўзбекистон танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Президент томонидан алоҳида таъкидланганидек: **«Эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узок ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос»<sup>2</sup>.**

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: “Ўзбекистон”, 2010. — Б. 8—54.

<sup>2</sup> Ўша жойда. — Б. 6.

Концепцияда белгиланган 6 та устувор вазифа, Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришда, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришда кучли омил бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз томонидан белгиланган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бутун жаҳон миқёсида жуда катта эътибор қозонди. Хусусан, Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулазиз бин Харун таъкидлаганидек: “Ушбу Концепция нафақат Ўзбекистон халқи, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Унинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустақкам жой олишида муҳим омилга айланиши, шубҳасиз”<sup>1</sup>.

Ўз навбатида, Миллий демократик институтнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори К. Плексико (АҚШ) қайд этганидек: “Ўзбекистон танлаган ислохотларнинг самарали моделини бошқа мамлакатлар ҳам муваффақиятли қўллаши мумкин. Президент Ислон Каримовнинг парламент палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилини амалга оширишда ва мамлакатингизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Демократлаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг тажрибасини янада батафсил ўрганиш ва кенг жорий этиш зарур”<sup>2</sup>.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюн эса “Президент Ислон Каримов теран таҳлил асосида диққат марказида ўзбек жамоатчилигида сиёсий ислохотларни давом эттириш зарурати акс этган Ўзбекистоннинг яқин келажакдаги стратегик ривожланиш йўналишини аниқлаб берган”<sup>3</sup>ини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Маърузада белгиланган демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасидаги энг муҳим устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 4 декабрь.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 1 декабрь.

<sup>3</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 19 ноябрь.

## 1. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг Ўзбекистон “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат”<sup>1</sup> барпо этиш ва ижтимоий макон сифатида тушуниладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Фуқаролик жамиятида “қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”<sup>2</sup>. Фуқаролик жамияти – Ер юзидаги ҳар бир инсон, ҳар бир давлат, унинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ривожланишидан қатъи назар, эришишга интиладиган мақсаддир, фуқаролик жамияти – адолатнинг тантанаси, инсоният ижтимоий ривожланишининг фалсафасидир.

Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий, муҳим шартларидан бири – инсон ҳуқуқларини жамият ва давлатда олий неъмат сифатида эътироф этиш, уларни таъминлашнинг умуммажбурийлигидир. Шубҳасиз, бу ҳолат ҳуқуқий давлатнинг энг асосий белгиси бўлган қонун устуворлиги таъминланган ҳолдагина мавжуд бўлиши мумкин. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари умуммажбурий бўлишини таъминлашда ҳуқуқий давлатнинг асоси – ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципи муҳим аҳамиятга эга, чунки давлат ҳокимияти турли органларининг ваколатлари бўлиниши нисбати инсон ҳуқуқларининг институционал кафолатларини яратади.

Шунинг учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни:

**биринчидан**, урта ҳокимият бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш;

---

<sup>1</sup> Қаранг: 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 173.

**иккинчидан**, давлат ҳокимиятлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш;

**учинчидан**, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш;

**тўртинчидан**, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича тизимли ва изчил чоратадбирларни кўришга қаратилган эди.

Конституцияга мувофиқ: **“Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади – қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига”<sup>1</sup>**.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида ўз аксини топган. Ушбу моддага биноан: **“Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”<sup>2</sup>**. Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг мавжуд бўлиши туфайли давлат ҳокимиятининг тизимида ҳокимият органлари бир-бирини мувозанатда сақлаб туриш ва назорат қилишга йўл очиб берадиган ва бир шахс ёки органнинг қўлида ҳокимиятнинг тўпланишига имкон бермайдиган ўзаро муносабатлар тартиби ўрнатилади. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд – мустақил ва ўз ваколатларини амалга оширишда эркин ҳисобланади. Бунда, ҳокимиятнинг ҳеч қайси тармоғи бошқа тармоқ вазифаларини ўз зиммасига олишга ҳақли эмас. Барча давлат органлари ўз фаолиятини ваколатлари доирасида амалга оширади. Шу билан бирга, давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари бирига боғлиқдир, улар ҳамкорликда ҳаракат қиладилар ва яхлит давлат механизминини вужудга келтирадилар.

Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойили давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишда бир-бирини тийиб

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Том 1. – Т: Ўзбекистон, 1996. – Б. 15.

<sup>2</sup> 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

туриш ва мувозанатни сақлаш механизмнинг ўрнатилишини назарда тутати, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг мустақил фаолият кўрсатиши ва ҳамкорликда ишлашини таъминлайди. Шу сабабли, давлатда авторитар ва тоталитар интилишларнинг ривожланишига қаршилик қиладиган, жамиятда барқарорликни, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган зарурий ҳуқуқий кафолатлар юзага келади.

2002 йил 4 апрелда **“Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”**ги Конституциявий қонуннинг<sup>1</sup> қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Биринчидан**, Конституциявий қонун “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳолда, 2002 йил 27 январь куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича қарор қабул қилган, шунингдек, демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгаришларни белгилайди.

**Иккинчидан**, Конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришни стратегик мақсад қилиб белгилаган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шунингдек, референдумда билдирилган халқ иродасига асосланган ҳолда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ишларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 йил, 4–5-сон, 60-модда.



**биринчидан**, қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида ҳуқуқий мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

**иккинчидан**, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

**учинчидан**, сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

**тўртинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустақамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

**бешинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

**Учинчидан**, Конституциявий қонунда икки палатали парламентни ташкил этиш назарда тутилиб, парламент – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қўйи палата)дан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлиши белгилаб қўйилди. Қонунда Олий Мажлис палаталарининг ташкил этилиши ва улар фаолиятини йўлга қўйишнинг асосий қоидалари ҳам назарда тутилди.

**Тўртинчидан**, Конституциявий қонун “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Конституциявий қонунларда парламент палаталарининг ташкил этилиши ва фаолияти масалалари батафсил тартибга солинди. Қўрсатилган қонунлар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколатларига берилган масалаларни

кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш тартибини белгиловчи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати регламенти тўғрисида”ги Қонун ҳам қабул қилинди.

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ижро ҳокимияти тармоғи, Ҳукуматнинг роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президентининг вазифаларини ва ҳуқуқий чегараларини аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилди: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”**.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг бекор қилиниши Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ваколатларини нафақат кенгайтди, балки унинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ташкил этилиши ва самарадорлиги учун жавобгарлигини ҳам анча кучайтирди.

Давлат бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузасида: “Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда”<sup>1</sup>, — деб таъкидлади.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 10.

Бундан келиб чиқиб, давлат бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини янги таҳрирда баён этишликни таклиф этди. **Мазкур ташаббуснинг моҳияти қуйидагилардан иборат.**

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасидан 2 ва 6-қисмлар чиқариб ташланмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлашнинг янги тартиби ўрнатилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи чиқариб ташланаётганлиги билан боғлиқ.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси Бош вазир номзодини кўрсатиш ва тасдиқлашнинг замонавий демократик принципларга жавоб берувчи янги тартибни белгиловчи ва Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи янги қисмлар билан тўлдирилмоқда. Мазкур тартибнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Мазкур таклифни амалга ошириш Бош вазир номзодини кўрсатиш тартибининг демократик принципларини янада ривожлантиради, сиёсий партияларнинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини кучайтиради. Қонунчилик палатасида депутатлик ўрнини эгаллаш учун сайловларда сиёсий партиялар ўртасидаги курашни кучайтиришга шароит ҳам яратади. Чунки мазкур тартибга кўра, Бош вазир номзодини таклиф этиш ҳуқуқига Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партиянинг ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар (фракциялар) эга бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тенг миқдордаги депутатлик ўринларини бир неча сиёсий партия қўлга киритган тақдирда Бош вазир номзоди бу партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари томонидан ўзаро келишилган ҳолда таклиф этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ун кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Мазкур тартиб билан Бош вазир номзодини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Президент томонидан тақдим этилиш муддати белгилаб қўйилмоқда.

3. Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Бош вазир номзодини Парламент томонидан тасдиқлашнинг белгиланаётган тартиби ҳам демократиянинг кўринишларидан биридир, чунки мазкур тартиб Бош вазир номзодини тасдиқлашда фақатгина Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партиягина эмас, балки Қонунчилик палатасида депутатлик ўринларига эга бўлган бошқа сиёсий партияларнинг фикрларини ҳам ҳисобга олиш имконини беради, чунки улар ҳам номзодга нисбатан ўз фикрларини билдириш ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Ишончсизлик вотуми билдириш институти ривожланган давлатлар парламентлари (Франция, Италия ва б.) амалиётида кенг қўлланилади. Мазкур таклиф, бир томондан, хорижий тажрибага тўлиқ мос келади, иккинчи томондан эса парламентга Ҳукумат фаолиятига таъсир кўрсатиш борасида кенг ҳуқуқлар беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тўғрисида расмий так-

лиф Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида 1/3 қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига киритилиши тартиби белгиланиши мазкур масаланинг фақат битта сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси сиёсий манфаатларидан келиб чиқибгина киритилишининг олдини олади.

5. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши тартибининг белгиланиши бу борадаги халқаро тажрибага мувофиқ бўлиб, Ҳукумат сиёсатини Парламент ҳамда сиёсий партиялар фикрини эътиборга олган ҳолда ўзгартиришга хизмат қилади.

6. Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Бош вазир лавозимига янги номзодни Олий Мажлис палаталарига кўриб чиқиш учун тақдим этишнинг ўрнатилаётган янги тартиби Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фикрларини ҳисобга олиш имконини беради, бу ўз навбатида, ҳукуматнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида янги зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадларига хизмат қилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориши тартиби ҳам илгари сурилган.

Кўрсатилган тартибнинг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод масаласида вужудга келган карама-қаршиликларни бартараф қилади, сиёсий барқарорликни таъминлайди, Хукуматнинг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасини янги таҳрирда қуйидагича баён этиш тўғрисида таклиф киритди: **“Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади”**<sup>1</sup>. Бу таҳрир мазкур модданинг ҳозирдаги матнида мавжуд бўлган ноаниқликлар ва уни турлича талқин этишни бартараф этишга йўналтирилган.

Мазкур модданинг амалдаги таҳририда кўрсатилган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи палаталарнинг қўшма фавкулуддаги йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан сайланиши назарда тутилган. Мазкур нормада депутат ёки сенаторлардан қайси бири, қандай тартибга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи этиб сайланиши мумкинлиги аниқлаштирилмаган. Бу, ўз навбатида, тегишли ҳолатлар юзага келган пайтда ҳал қилиб бўлмайдиган баҳсларга сабаб бўлиши мумкин эди.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 14.

9. Давлат бошлиғи томонидан Конституциянинг 78-моддаси 15-бандини **“... шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш”**<sup>1</sup> деган жумла билан тўлдириш тўғрисида берилган таклиф Парламент ваколатларини ва унинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид масалаларни ҳал этишга таъсирини кўчайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи томондан, бу таклифнинг амалга оширилиши нафақат Бош вазирнинг масъулиятини кучайтиради, балки ҳукумат бутун таркибининг иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтиради.

10. **Вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши тартиби** жорий қилиниши бошқарувни янада такомиллаштиришга, Бош вазир ва ҳокимларнинг масъулиятини оширишга йўналтирилган. Конституциянинг 93-моддаси 8-бандидан **“ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади”** деган сўзларнинг чиқариб ташланиши Президентнинг бу борадаги ваколатлари бекор қилиниши билан бирга, қонунга кўра ижро ҳокимияти фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган Бош вазирнинг масъулияти кучайтирилаётганлигини англатади.

11. Конституциянинг 93-моддаси 16-банди Ўзбекистон Республикаси Президентига **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш** ҳуқуқини берувчи норма билан тўлдирилиши Президент томонидан давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш манфаатларига хизмат қилади.

12. Ҳисоб палатаси раисини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши ва кейинчалик бу масаланинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тасдиғи-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

га киритиш тартибининг ўрнатилиши кўрсатилган мансабдор шахсни тайинлашда демократик принципни жорий этиш, қолаверса, Ҳисоб палатасининг Сенат олдида ҳисобдорлигини ҳам кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган таклифлари Ҳукуматни шакллантиришнинг конституциявий тартибини янада такомиллаштиришга, сиёсий тизимни модернизациялашга, мамлакатни янада ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Концепциянинг айнан мазкур йўналиши юзасидан хорижий экспертлар томонидан билдирилган айрим фикрларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Сингапур халқаро тадқиқотлар мактаби доктори А. Ачарья таъкидлаганидек: “Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги ташаббуслар, шубҳасиз, юксак эътирофга муносиб бўлиб, мамлакатда демократик институтларнинг тадрижий ривожланиши жараёни кечаётганлигидан дарак беради”<sup>1</sup>. Ўз навбатида, АҚШнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлари вакили Д. Бутчер қайд этганидек: “Ўзбекистон раҳбариятининг ҳукуматни шакллантиришда конституциявий жараёнларнинг устунлигини таъминлашдаги мажбуриятларни тўғри аниқлаб беришга интилаётганлигини кузатиш ниҳоятда қувончлидир”<sup>2</sup>.

“Асия аль-Вуста” интернет нашри бош маҳаррири ўринбосари А. Фарук Концепциянинг мазкур йўналиши бўйича қуйидаги фикр билдирган: “Ўзбекистон раҳбарининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган таклифлари давлат ҳокимиятининг уч субъекти ўртасидаги ваколатларни янада мувозанатлаштирилган ҳолда тақсимлашга ёрдам беради”<sup>3</sup>.

“Германия-Ўзбекистон” дўстлик жамияти аъзоси (Германия) Ф. Лемке қайд этганидек эса: “Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ва

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 10 декабрь.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 19 ноябрь.

<sup>3</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 11 декабрь.



иктисодий ислохотлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари муваффақиятли ҳал этилаётганидан далолатдир”<sup>1</sup>.

Сиёсий партиялар ролини оширишда Президент томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида Химолай ва Марказий Осиё тадқиқотлар маркази бош котиби К.Варику қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Президент Ислом Каримов анчадан буён парламент ҳамда сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб келмоқда. Президент ташаббуси руёбга чиқса, мамлакатда сиёсий партияларнинг мавқеи, уларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулияти янада ортади. Мазкур янги тартиб-қоидалар давлат бошқарув тизими, шунингдек, маърузада тилга олинган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда яна бир муҳим қадам бўлди”<sup>2</sup>

## II. СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов такидлаганидек: “Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда”<sup>3</sup>.

Айнан шунинг учун ҳам давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 1 декабрь.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 11 декабрь.

<sup>3</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 15–16.



Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш қўйилган масалаларни тизимли, изчил ва босқичма-босқич ҳал этиш орқали амалга оширилди.

**Биринчидан**, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар амалга оширилди.

**Иккинчидан**, суд-ҳуқуқ ислохотининг асосий мақсади – фуқаролик жамиятини ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш эҳтиёжларига тўлиқ мослигини, инсоннинг адолатли судга бўлган ишончини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган механизм ва тартибтамоийларни шакллантиришдир. Суд ислохоти – “кампания” ёки бир пайтда ўтадиган жараён эмас, у ўз мўлжаллари ва мақсадларига эга, уларга мувофиқ суд ислохоти ҳозирги ҳолатга ва тўпланган тажрибага асосланиб, суд ҳокимияти ривожланишининг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотининг биринчи босқичида давлат ҳокимиятининг эркин, мустақил ва кучли тармоғи бўлган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, конституциявий тузумни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ваколатларини амалга оширадиган суд ҳокимиятини шакллантириш бўйича жиддий ва самарали чоралар қўрилди. Жумладан, суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигининг, самарадорлигининг тубдан янги ва асосий кафотларини ифода этган **“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири** 2000 йилда қабул қилинди.

**Тўртинчидан**, мазкур қонунга мувофиқ, судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашнинг (сайлашнинг) самарали ва демократик механизми барпо этилди, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги дунёда ихтисослашувга бўлган интилиш инсон фаолиятининг, у ёки бу соҳада, ҳужа-

лик юритиш соҳасида, хилма-хил эканлигини, бу фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш ҳам ўзига хос кўп жиҳатларга эга бўлишини ўзида тўлиқ акс эттиради. Суд тизими ҳам ушбу қоидадан истисно эмас. Судлар ва судьяларнинг ихтисослашуви одил судловни амалга оширишда кўшимча кафолатлар яратади. Мазкур ҳолат кўп йиллар давомида Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, АҚШ каби давлатларда ихтисослаштирилган судлар ўз фаолиятини амалга ошириши билан тасдиқланиши мумкин.

Шубҳасиз, ушбу қонунчилик актларининг қабул қилиниши тасодифий эмас. Уларнинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислохотини амалга оширишга, умуман жамиятимизни модернизация қилишга изчил, босқичма-босқич ва пухта ўйланган муносабатнинг натижасидир.

**Ҳуқуқий давлатда суд ҳокимияти давлатчиликнинг ҳақиқий асоси, ижтимоий тинчликни, ҳуқуқий тартибни ва жамиятда барқарорликни таъминлайдиган институтдир. Ҳар бир инсон, юридик шахс ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, биринчи навбатда, судда ҳимоя қилиши мумкин. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва демократлаштирилишини таъминланаш ислохотларни ҳаракатлантирувчи муҳим омилга айланади<sup>1</sup>.** Умуман суд-ҳуқуқ соҳасининг ислох қилиниши айни шу йўналишда амалга оширилмоқда.

Юқорида келтирилган ҳолатлар суд ҳокимиятининг фуқаролик жамиятидаги ўрни, мақсади ва вазифалари тўғрисида ҳулоса беришга имкон яратади. Ушбу муносабатлар икки томонлама тусга эга, чунки фуқароларнинг мустақил ва адолатли судга ишончлари уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд ҳокимиятига мурожаат қилишга ундайди. Ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг манфаатлари мустақил, адолатли ва фуқаролар эркин мурожаат этишлари мумкин бўлган

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “**ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида жорий қилинаётган ислохотлар ... ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлар йўлида босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлади**” – Қаранг: Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август // Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 32.

суднинг фаолият кўрсатишига пойдевор яратади, шунингдек, суд ҳокимиятини самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига биноан, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари фаолиятини ташкилий (кадр) жиҳатдан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади, бу эса қўйи инстанция судларининг юқори турувчи инстанция судларидан мустақиллигини кафолатлайди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштириш, шунингдек, судьяликка номзод бўлган шахслар бўйича ва судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича тегишли таклифларни киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Ф-1038-сон Фармойиши билан **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия** ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги Фармони билан Судьяларни тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига** ўзгартирилди<sup>1</sup>.

Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Пре-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил, 5–6-сон, 163-модда.

зиденти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш вазифалари юкланади<sup>1</sup>.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ташкил этилиши, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш тартибининг жорий этилиши ва кассация институтининг ислоҳ қилиниши, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш кафолатларини ҳам кучайтирди.

Жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш юқори суд инстанцияси томонидан суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириб чиқишнинг муҳим шакли бўлиб, суд хатоларини ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади.

Суд процесси иштирокчилари суд қарорлари устидан шикоят келтиришнинг апелляция ёки кассация тартибини танлаш имконига эга бўлдилар. Ишларни апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишда тортишувчилик принципи тўлиқ таъминланиб, бу жараёнда фуқаролар ўз ҳуқуқий манфаатларини бевосита ёки адвокат ёрдамида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Суд ишларни апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган суд хатоларини тузатишнинг муҳим кафолатига айланди. Ишларни кўриб чиқишнинг кўрсатилган тартиби суд ишларини юритишда узоқ йиллар “совет одил

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил, 12–13-сон, 101-модда.

судловига” хос бўлган сансалорликларни бартараф қилиш имконини берди.

Шуни айтиш керакки, **агарда 2000 йилгача суд хатола-рининг деярли ярми назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг протес-ти билан назорат тартибида тузатилган бўлса, ҳозирда суд хатола-рининг 85%дан ортиғи процесс иштирокчи-ларининг шикояти бўйича очиқ ва тортишувга асослан-ган суд процессида апелляция ёки кассация тартибида тузатилмоқда<sup>1</sup>.**

Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида проку-рор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик суд ишла-рини юритишнинг барча босқичларида тортишувни, одил суд-ловни амалга оширишнинг сифати ва тезкорлигини таъминлаш-га йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилди.

**“Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг<sup>2</sup>** қабул қилиниши фуқаролик жамиятининг инсон ҳуқуқ ва эркин-ликларини таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи муҳим институти сифатида адвокатуранинг мустақиллигини янада мус-таҳкамлаш борасида ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда нафақат жиноят процессининг ҳар қанақанги босқичида, балки фуқаролик ишларини ва хужалик низоларини кўриб чиқишда ҳам малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун бар-ча зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратилган. Фуқароларга ва юри-дик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида адвокат дав-лат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил ра-вишда фаолият кўрсатади. У ўз ҳимояси остидаги шахснинг, ишонч билдирувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун билан тақиқланмаган ҳар қанақанги восита ва

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 18.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда.

усуллардан фойдаланиш ҳуқукига эга. Ҳеч ким, шу жумладан, бирон-бир мансабдор шахс ҳам адвокатнинг ўз касб фаолиятини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳаракатлар ва адвокатга у эгаллаган позицияни ўзгартириш мақсадида таъсир ўтказишга ҳар қанақанги уриниш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва декриминализациялаш, шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришдир.

**Биринчидан**, жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида жиноятларни таснифлаш қоидаларининг ўзгартирилиши жиноятга оид сиёсатга янгича ёндашувнинг натижаси бўлди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган ижтимоий хавfli тажовузлар сонини Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиблари умумий сонининг 70 % ига қадар кенгайтириш имконини берди.

**Иккинчидан**, Президент И.А. Каримовнинг ташаббуси билан иқтисодий соҳадаги жиноятлар учун, шунингдек, ижтимоий хавfli оқибатлари моддий зарар етказишдан иборат бўлган бошқа жиноятлар учун жарима тариқасидаги иқтисодий жазо чораларини қўллаш имконияти Жиноят кодексида жиддий кенгайтирилди. Бу эса судларга иқтисодий ва ҳўжалик соҳаларида содир этилган жиноятлар учун қамоқ ҳамда озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларга муқобил турадиган жарима тариқасидаги жазони кенгроқ равишда қўллаш имкониятини берди. Жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2010 йилда судланганларнинг 68,1 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

**Учинчидан**, жиноий жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо чиқариб ташланди. Ушбу жазо туридан шўролар даврида кенг фойдаланилган эди, оқибатда, жиноятчи билан биргаликда айбсиз бўлган унинг оила аъзолари ҳам жазо-

нинг объектларига айланган эди. Мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги қўшимча жазонинг қўлланилиши натижасида маҳкумнинг оиласи яшаш жойигача барча асосий тирикчилик манбаидан маҳрум этиларди.

Мол-мулкни мусодара қилишнинг бекор қилиниши давлатимиз томонидан жиноят тўғрисидаги қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган сиёсатга тўлиқ жавоб беради, зеро мазкур сиёсатнинг асосий йўналиши – судланган шахсга ва унинг оиласига қаратилган жазоловчи ва репрессив вазифаларни амалга ошириш эмас, балки тарбиявий таъсир кўрсатишдир.

**Тўртинчидан,** жиноят тўғрисидаги қонунчиликни либераллаштириш жараёни **барча ёшдаги жамият гуруҳларини** камраб олди. Жиноят қонуни нормаларининг ўзгартирилиши вояга етмаганларни жамиятдан ажратмасдан уларга нисбатан жазонинг тарбиявий вазифасининг бажарилишига имкон берди. Агарда 2001 йилда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган вояга етмаганларнинг сони вояга етмаган судланганлар умумий сонининг 39,7 фоизини ташкил этган бўлса, кўрсатилган ўзгартиришлар киритилгани натижасида мазкур сон 2009 йилда 14,8 % фоизга қадар қисқартирилди. Содир этилган жиноят учун ҳукм қилинаётган вояга етмаганларнинг 85,2 фоизига нисбатан суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Одиллик ва инсонпарварлик ғояси аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланиладиган жазо муддатининг ва турининг ўзгартирилишида ҳам ўз аксини топган. Жиноят кодексига мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Маҳсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бешинчидан, **тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби ўзгартирилди.** Жиноят кодекси 58-моддасининг олдин амал қилган таҳририга асосан, **тамом бўлмаган жиноят учун Жиноят кодекси Маҳсус қисми-**



нинг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазо муддатини ёки миқдорини тайинлаш мумкин эди. Кирилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан тамом бўлмаган жиноятлар учун тайинланадиган жазонинг доирасини назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисми билан чеклаб қўйилди.

Жиноятларни таснифлаш қоидаларининг ўзгартирилиши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг судлар томонидан кенгрок тайинланишига йўл очиб берди. Хусусан, агар 2001 йилда судланганларнинг 7,2 фоизига жиноий жазо сифатида жарима тайинланган бўлса, 2009 йилда мазкур рақам 16,9 фоизни ташкил этди. Ушбу давр ичида ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони тайинлаш ҳоллари судланганларнинг умумий сонига нисбатан 21,5 фоиздан 36,6 % фоизгача, шартли ҳукм қилиш ҳоллари эса – 7,9 фоиздан 10,2 фоизгача ошди.

Шу билан бирга, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш каби жиноий жазолар тайинлаш ҳоллари камайди: қамоқ – судланганларнинг умумий сонига нисбатан 1,3 фоиздан 0,9 фоизгача; озодликдан маҳрум қилиш – 39,7 фоиздан 31,0 фоизгача<sup>1</sup>.

**Олтинчидан,** жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларни сақлаш шартларининг ўзгартирилишига олиб келди. Хусусан, агар илгари унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун ҳукм этилган шахслар жазони умумий тартибли колонияларда ўташлари шарт бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар жазони манзил-колонияларда ўтайдилар, ушбу колонияларда маҳкумлар қариндошлари ва яқинлари билан учрашиш ҳамда ижтимоий алоқаларни узмаслик имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш учун маҳкум томонидан суд тайинлаган жазо муддатининг ҳақиқатда ўтаб бўлиши зарур бўлган муддатлар қисқартирилди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг 2000-2009 йиллар буйича жорий архиви.

Бу эса инсонпарварлик принципнинг ҳақиқий амалга оширилишига, катъий тузалиш йўлига ўтган маҳкумларни жамиятдан ажратиш муддатларини қисқартиришга йўл очиб бери.

Жиноий жазолар тизимини янада либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қиладиган ва мустаҳкамлайдиган халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган принцип ва нормаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига тўлиқ жавоб беради.

Юртбошимиз И.А. Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни**<sup>1</sup> жиноятга оид сиёсатни инсонпарварлик руҳида олиб бориш йўлида муҳим қадам бўлди.

Қонун ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазоларнинг жиноий жазо тизимида жорий этилишини назарда тутди. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлганлиги қонунда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Ўзбекистонда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.** Таъкидлаш лозимки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польша каби давлатларда 5 турдаги, Бельгия ва Россия Федерациясида 6, Данияда 9, Грузияда 11, Швецияда 13, Беларусда 14, Япония ва Озарбойжонда 16, Қозоғистон ва Кореяда 17, Францияда 18, Голландияда 19, Молдовада эса 24 турдаги жиноят учун тайинланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллаш масаласини ҳал этишда суд мазкур жазо, фақат иш бўйича айбдор томонидан ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлигида, шунингдек, жиноятни содир этган шахс жамият учун

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007 йил, 6-сон, 248-модда.

мутлақ хавфли эканлигидан далолат берувчи ва унга нисбатан бошқа жазо тайинланиши имкониятини истисно этувчи алоҳида ҳолатлар бўлганда, тайинланиши мумкинлигини инобатга олиши керак.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тугалламаган жиноятлар учун аёлга, 18 ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга ва 60 ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Ушбу жазони қўллашда юқорида кўрсатилган чеклашлар қўпдан-қўп мамлакатларнинг қонунчилигида акс эттирилмаган. Масалан, Япония, Корея, Хитой, Франция, Австрия, Польша, Швейцария, Швеция, Голландия, Дания, АҚШ каби давлатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашда ҳеч қандай чеклашлар назарда тутилмаган. Бир қатор МДХ давлатларида (Россия, Беларусь, Озарбойжон) умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо фақат 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган эркакларга тайинланиши мумкин. Украинада мазкур жазо жиноят содир этиш ёки ҳукм чиқариш вақтида ҳомиладор бўлган аёлларга ҳам қўлланилмайди.

**Жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш бўйича ислохотлар жиноят ишини суд мажлисида кўриб чиқиш муддатларининг ўзгартирилишига ҳам олиб келди.** Дастлабки Жиноят-процессуал кодексида жиноят иши суд мажлисида кўрила бошланганидан сўнг уни мазмуни бўйича ҳал қилиш муддатлари белгиланмаган эди. Шу сабабли айрим ишлар судда кўрила бошланганидан сўнг уларнинг мазмуни бўйича ҳал қилиниши чўзиларди, бу эса одил судловнинг тезкорлигига зарар келтирарди.

**Ишларни судда муҳокама қилиш муддатларининг ўрнатилиши олдин мавжуд бўлган суд сусткашлигини бар-тараф этиб, ишни судда тезкор муҳокама қилиш ҳуқуқини таъминлади.** Агар 2000 йилда 577 та жиноят ишлари судлар томонидан қонунда белгиланган икки ойлик муддатни бузган ҳолда кўриб чиқилган бўлса, охириги йилларда бундай ҳолатлар жуда камдан-кам учрамоқда. 2009 йилда жами 30 та жиноят иши қонунда белгиланган муддатни бузган ҳолда кўриб чиқилган, яъни

судлар томонидан жиноят ишларни кўриб чиқиш муддатларини бузиш ҳолатлари 19 баробарга камайган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг ва қамоқда сақлаш муддатини узайтиришнинг суд тартиби ўрнатилиши Ўзбекистонда судгача иш юритиш босқичида дастлабки суд назоратини жорий қилиш борасида биринчи қадам бўлди.

**“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида<sup>1</sup>** суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг ҳамда қамоқда сақлаш муддатини узайтиришнинг процессуал тартиби белгилаб қўйилди.

Илгари жиноят содир этган шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш масаласи жиноят иши кимнинг иш юритишида эканлигига қараб, тегишинча суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ҳал қилинар эди. Ҳукм қонуний кучга кирмаган ҳолларда судланган шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш масаласи суд томонидан, жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан эса амнистия актини қўллаш бўйича комиссиялар томонидан ҳал қилинар эди.

**Амнистия актини қўллашнинг суд тартиби жорий этилиши судгача иш юритиш ва ҳукмни ижро этиш босқичларида суд назоратини ўрнатиш бўйича яна бир жиддий қадам бўлди.** Мазкур тартиб амнистия актини қўллашда қонунийликни таъминлаш ва амнистия акти таъсир доирасига тушадиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларига тўлиқ жавоб беради.

Мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохоти узок муддат давомида репрессив инструмент бўлиб келган жиноят-судлов ишларини юритишни давлатнинг жазоловчи инструментидан ҳимоя қилувчи инструментига ўзгартиришга қаратилган. Шубҳасиз, бу фуқаронинг бузилган муайян ҳуқуқини тиклашга қаратилган вазифаларнинг биринчи ўринга қўйилишидан далолат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007 йил, 6-сон, 249-модда.

беради. Айнан шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига биноан, **2001 йилда** жиноят-судлов ишларини юритишга **ярашув институти** жорий қилинди. **Агарда 2001 йилда қабул қилинган Қонунга кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган 27 жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган бўлса, ҳозирда 53 жиноят таркиби бўйича мазкур чорани қўллаш мумкин.**

Ушбу институт амал қилишининг афзаллиги шундаки, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни тартибга солидиган нормалар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган, шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зиённи тўлиқ қоплаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортмаслик имконини беради. Одил судлов, жазоловчи характерга эга бўлган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳам жазони узоқ йиллар давомида озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтказиш мумкин бўлган тоталитар-бошқарув тизими давридан фарқли равишда, мустақиллик йилларида ва инсонпарвар демократик давлат қуриш йўлида амалга киритилган институтлар каби ярашув институти унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини беради ҳамда бу судланганлик билан боғлиқ оқибатларни келтириб чиқармайди. **Ўтган 10 йил давомида ярашганлик муносабати билан 100 мингга яқин жиноят иши суд тартибидан тугатилди<sup>1</sup>.**

2000-2010 йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижалари ҳақида шуни айтиш мумкинки, мазкур босқичда қатор муҳим масалалар ҳал қилинди. Бу, ўз навбатида,

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 23.

**биринчидан**, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг ролини кучайтириш, жинойт жазоларни либераллаштириш, судгача иш юритиш устидан суд назоратини ўрнатиш, амнистия актини қўллашнинг суд тартибини жорий қилиш;

**иккинчидан**, адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш ва суд қарорларини ижро қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, жинойт-процессуал қонунини либераллаштириш ҳамда бошқа муҳим масалаларни ҳал қилиш имконини берди.

Шуни ишонч билан тасдиқлаш мумкинки, мамлакатда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бу борадаги қатор масалаларни ҳал қилиш вазифаси суд-ҳуқуқ ислохотларини изчил давом эттиришни талаб қилади. Шу муносабат билан **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да белгиланган вазифалар мамлакатимиз ҳуқуқий тизимини изчиллик билан либераллаштиришнинг энг муҳим жиҳатларига дахлдордир.

**Биринчидан**, ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишда мазкур соҳада қонунийликни таъминлашнинг самарали механизмларини амалга оширишда тутган ўрни ҳисобга олинган ҳолда **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни** қабул қилиш вазифаси қўйилди. Бу вазифанинг амалга оширилиши қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва асосланганлигига бўлган талабнинг кучайтирилишига, ҳамда тегишинча қонунийликнинг кафолатларини кучайтиришга олиб келади.

**Иккинчидан**, Концепцияда жинойтга оид сиёсатни янада либераллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилиб, давлат бошлиғининг қатор таклифлари **“ислохотлар инсон манфаатлари учун”** принципини амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, Жинойт ва Жинойт-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Чунончи, **судга қадар иш юритиш босқичида қўлланиладиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш**

**тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат суднинг санкцияси асосида қўллаш тартибини жорий этиш** фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустахкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини мустахкамловчи конституциявий принципни тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Кўрсатилган процессуал мажбурлов чораларини суд тартибида қўллашнинг белгиланиши суриштирув ва дастлабки тергов ишларини юритиш устидан суд назоратини кучайтиради, жиноят процессида Хабеас корпус институтини қўллаш доирасини кенгайтиради ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган принциплари ва нормалари амалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

**Учинчидан, суд нафақат ўз мазмун моҳиятига кўра ҳолис бўлиши, балки унинг холислигига бошқалар ҳам ишониши керак.** Амалдаги қонунчиликда суд мажлисида айблов ҳулосасини ким ўқиб эшиттириши аниқ белгиланмаганлиги туфайли, одатда уни судья ўқиб эшиттиради. Бу эса, ўз навбатида, суд залида ҳозир бўлганларда судга нисбатан ишончни кучайтирмайди, аксинча, айримларда суд айблов органи деган нотўғри тасаввур уйғотади. Ҳолбуки, қонунга кўра, суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди. Суд холислик ва бегаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришларини ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради. Президентнинг **айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш тўғрисидаги** таклифи суднинг мустақиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга ҳамда жиноят процессида тортишув принципининг амал қилишини янада кучайтириш манфаатларига хизмат қилади. Бундан ташқари, бизнинг назаримизда, бу янгилик суд процессида қатнашаётган прокурорнинг жавобгарлигини кучайтиради. У судланувчининг айбини исботлаш ва жиноят ишларини кўришда қонунийликни таъминлаш бўйича масъулиятини тўлароқ ҳис этадиган бўлади.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш тўғрисидаги таклифи суднинг ҳуқуқий мақомига ва табиатига тўлиқ мувофиқ келади. Қонунга кўра, суд жиноий таъқибни амалга оширувчи орган эмас. Суднинг энг асосий вазифаси одил судловни амалга оширишдир. Суд холис ва беғараз бўлиб, ишда қатнашувчи тарафларнинг биронтасининг ҳам манфаатларини ифодаламаган тақдирдагина одил судлов тўғрисида сўз юритиш мумкин. Суд жиноят иши қўзғатиш билан ўзининг холислиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўяди. Давлат бошлиғининг таклифини амалга ошириш, бир томондан, судни унга хос бўлмаган вазифадан озод қилиб, унинг холислиги ва беғаразлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бири бўлади.

**Бешинчидан**, Концепцияда айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш назарда тутилмоқда. Бу қонун талабларининг жиддий бўлмаган бузилишига йўл қўйган шахсларни жиноий жавобгарликка тортмасдан, уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўллаш билан чегараланиш имконини беради.

**Олтинчидан**, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан юз берган принципиал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини қайта кўриб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилиш суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, мазкур кодексни янги таҳрирда қабул қилиш фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олиш, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий кафолатларни назарда тутиш, шунингдек, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш имконини беради.



**Еттинчидан**, Концепцияда **“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни** қабул қилиш заруриятига алоҳида эътибор қаратилди. Тезкор-қидирув фаолияти ҳозирда идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ҳолбуки, айнан мазкур фаолиятни амалга оширишда фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилиниш хавфи нисбатан каттарок. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратади. Мазкур қонун жинойятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

**Саккизинчидан**, Концепцияда ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, **давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга** қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўранатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган. Мазкур таклифнинг амалга оширилиши, бир томондан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам берса, иккинчи томондан, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш орқали мазкур органлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди.

Қучли фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат қуришга эришиш учун барчанинг Конституция нормаларига мувофиқ яшаши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларга қатъий риоя қилишига эришиш зарур. Шу туфайли амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатидан жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Шу муносабат билан мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тар-

ғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўлам-ли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Концепцияда асосий вазифалардан бири этиб қўйилди. Бу вазифа-ни амалга ошириш мамлакатимизда қонун устуворлигини таъмин-лаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.

Концепциянинг айнан мазкур йўналиши юзасидан хорижий экспертлар томонидан билдирилган айрим фикрларни келтира-миз. Сингапур халқаро тадқиқотлар мактаби доктори А.Ачарья таъкидлаганидек: “Мен мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлардан яхши хабардорман. Ўзбе-кистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, “Хабеас корпус” ва ярашув институтларининг таъсис этилиши мазкур ислоҳотлар нечоғли самарадор эканлигининг яққол далолатидир. Ўзбеки-стонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириб келинаётган ислоҳот-ларнинг алоҳида ажралиб турадиган жиҳати шундан иборатки, уларнинг асосида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда шаънини ҳимоялашга даъват этувчи халқнинг қўп асрлик анъа-налари ўрин олган”<sup>1</sup>.

Ўз навбатида, Берлин ҳуқумати Сенатининг адлия масалалари бўйича давлат котиби Хассо Либер қайд этганидек: “Мамлакатда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг олиб борилиши, шу жумладан, суд жараёнига жалб қилинган шахсларга бериладиган демократик ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, фуқаролик ишларининг “хал-қаро битимлар” асосида ҳал этилиши низоҳатда аҳамиятлидир”<sup>2</sup>. Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти (ГТХЖ) “Марка-зий Осие мамлакатларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини қўллаб-қув-ватлаш” минтақавий дастури раҳбари Х. Аминлари эса қуйидаги фикрни билдирган: “Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида улкан ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 10 декабрь.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

### III. АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузасида “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантормасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”,<sup>1</sup> деб таъкидлади.

**Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш принципи конституциявий принцип бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29, 30-моддаларида мустақамлаб қўйилган.** Кўрсатилган моддаларга мувофиқ, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин (Конституциянинг 29-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга улар-

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 28.

нинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим (Конституциянинг 30-моддаси).

Кўрсатилган конституциявий нормалар **Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда** (1997 й.) мантикий ривожлантирилди. Мазкур қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини қонун йўли билан таъминлашга йўналтирилган.

Кўрсатилган қонунга мувофиқ, маълум бир ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровга жавоб имкони борича қисқа муддатларда, аммо 30 кундан кеч бўлмаган муддатда тақдим этилиши шарт. Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмай маълум қилиши, шунингдек, имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

Шуни назарда тутиш керакки, қонун давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг мурожаат этган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига алоқадор ахборотларни текинга, яъни бепул тақдим этишлари шартлигини белгилайди.

Ўзбекистонда охириги 10 йилда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди. Ушбу даврда **оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.**

**2007 йилда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди<sup>1</sup>.** Мазкур қонун оммавий ахборот воситалари тушунчасини белгилади, оммавий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда.

ахборот воситалари фаолиятининг асосий кафолатларини ҳамда ҳар кимнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқларини мустаҳкамлади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқ муҳим аҳамият касб этади, шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситаларининг бу ҳуқуқлари кўрсатилган қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституция ва юқорида кўрсатилган қонун Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Эълон қилинаётган хабарлар ва материаллар олдиндан келишиб олиншини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Қонун, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этишнинг демократик принципларини, оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини, оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш тартиби, оммавий ахборот воситаларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда тарқатилиши соҳасини монополлаштиришга ва инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслигини ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам тартибга солади. Оммавий ахборот воситалари бозорида монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норма биринчи навбатда инсофли ва соғлом рақобатни таъминлашга қаратилган бўлиб, у турли оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига имконият яратади, бу ўз навбатида жамиятнинг турли катламлари фикрлари эркин тарқатилишини таъминлайди.

Ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ҳуқуқий муносабатлар **Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни**<sup>1</sup> билан тартибга солиниб, мазкур қонунда юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва ти-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004 йил, 1–2-сон, 10-модда.

зимларини қўллаган ҳолда ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмлари белгилаб берилди.

Мазкур қонунга кўра, ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

### **Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Юқорида кўрсатилган қонунлар ва **“Телекоммуникациялар тўғрисида”**ги, **“Реклама тўғрисида”**ги, **“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”**ги Қонунларнинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда уларни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратишга хизмат қилди.

Шунингдек, давлат томонидан ахборот соҳасида олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи принципларининг изчил ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган. Бизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини факат суд орқали тўхтатиш мумкинлигини кўзда тутувчи талаблар қонуний мустаҳкамланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилган. Ахборот соҳасида жамоат, нодавлат институтлари ва тузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техник шароитлар яратилган.

Мамлакатда **Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди** ва бошқа қатор жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда **Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситаларини бирлаштиради.**

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда **мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.**

**Охирги 10 йилда қуйидагилар мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлди:**

**биринчидан,** уларнинг моддий-техника базасини юксак замонавий талабларга жавоб берадиган даражада модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш;

**иккинчидан,** юқори малакали журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

**учинчидан,** мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш жараёнини қўллаб-қувватлаш.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда”.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш ҳамда сўз эркинлиги ва ахборот олиш эркинлигининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди:

биринчидан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”; “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги; “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги янги қонуларни қабул қилиш;

иккинчидан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва



**кафолатлари тўғрисида”**ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши қуйидаги масалаларни ҳал этишга имкон беради:

- фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш кафолатларини кучайтиришга;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиришга;

- давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилашга;

- аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлашга;

- ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашга;

- юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиклиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлашга.

“Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши:

- ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга;

- телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши, телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг қўламли равишда тартибга солишга;

- телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш

борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истикболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратишга;

- миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларни белгилаб беришга;

- радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлашга;

- тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларнинг ҳал этилишини таъминлайди.

**“Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш:**

- оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлашга;

- муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтиришга;

- ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилишга;

- ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга;

- қўшимча иқтисодий преференциялар яратишга;

- миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган.

**“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши:**

- оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш ҳуқуқий механизмларини яратишга;

- ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга;

- давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чоратадбирларни амалга оширишга;

- оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ҳуқуқий механизмларини яратишга;

- ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни яратишга хизмат қилади.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш вазифаси қуйидагиларга:

- сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратишга;

- рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилишига;

- рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга йўналтирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида зикр этилган чоратадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Концепциянинг айнан мазкур йўналиши юзасидан хорижий экспертлар томонидан билдирилган айрим фикрларни келтирамиз. Ҳиндистоннинг таниқли [www.sarkaritel.com](http://www.sarkaritel.com) ахборот-таҳлилий веб портали бош муҳаррири А. Сатае таъкидлаганидек: “Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида энг му-

ҳим ўрин тутади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари нафақат республика ва дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ахборот тарқатади, балки мустақиллик йилларида қўлга киририлган ютуқлар ҳамда мамлакат олдида турган муаммоларни ҳам кенг ёритиб боради”<sup>1</sup>.

“Пантеон Ассас Париж 2” университети профессори, сиёсатшунос Жак Барр қайд этганидек: “Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш, унинг эркинлигини таъминлаш каби жиҳатларнинг такомиллашуви билан бир қаторда, мазкур соҳада эришилган ижобий натижаларнинг ривожланишига хисса қўшади. Хусусан, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ўзлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар, ҳеч шубҳасиз, жаҳоннинг бошқа илғор мамлакатларида бўлгани каби, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлашга асос яратади”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 11 декабрь.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 19 ноябрь.

#### **IV. ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Сайлов қонунчилиги жамиятда рўй бераётган барча демократик жараёнларни кўзгу сингари ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги доимий равишда ижобий ҳаракатланишда бўлиб, у тобора такомиллаштирилмоқда ва унинг демократик принциплари ривожлантирилмоқда.

**1994 йилдан буён “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”<sup>1</sup>ги<sup>1</sup>, “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”<sup>2</sup>ги<sup>2</sup> қонунларга 6 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Конституциямизга, шунингдек, **“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги<sup>3</sup> ҳамда янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”<sup>4</sup>ги<sup>4</sup>, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”<sup>4</sup>ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”<sup>5</sup>ги<sup>5</sup> Қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Агар илгари Олий Мажлис депутатлигига номзодларни қўрашиш ҳуқуқига сиёсий партиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашла-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., № 1, 6-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., № 5, 125-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., № 5, 127-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., № 9–10, 132-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., № 1, 34-модда.

ри, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари эга бўлган бўлса, hozирда ҳокимият вакиллик органларига сайловлар мутлақ кўппартиявийлик асосида ўтказилмоқда. Мамлакат Президентлигига номзодлар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий кенгашларнинг депутатлигига номзодлар эса сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилади.

Депутатликка номзодларни давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципиал қадам бўлди.

Депутатликка номзодларнинг, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг маҳаллий вакиллик органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти умуммиллий манфаатларга зид бўлган маҳаллийчиликнинг ривожланишига олиб келиши мумкин эди.

Депутатликка номзодларнинг фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилишида эса нафақат маҳаллийчилик, балки уруғ-аймоқчилик ҳам кузатилади.

Амалдаги сайлов қонунчилиги жамиятда юз берган демократик ўзгаришларни ўзида акс эттирилиши билан бирга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги халқаро принцип ва стандартларга ҳам тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи, депутатларни эркин ва яширин овоз бериш йўли билан, бир мандатли сайлов округларида кўппартиявийлик асосида сайлаш каби демократик принциплар мустаҳкамланган.

Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва иж-

тимой мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати фуқаролар томонидан бевосита сайланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ҳусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини кенг ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кўни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

**Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мустақил орган — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юклатилган. Бундай амалиёт ривожланган давлатларда ҳам камдан кам кузатилади.** Масалан, Германияда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Ички ишлар вазирлигига юклатилган.

Марказий сайлов комиссияси, округ, участка сайлов комиссияси фаолиятига ҳеч ким аралашишга ҳақли эмас. Сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашишга ҳар қандай уриниш қонун томонидан таъқиб этилади.

**Бизнинг сайлов тизимимиз ривожда 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар муҳим босқич бўлди.** Халқ вакиллигини янада кўпайтириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари нихоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатадаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Қонунчиликда сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг қатнашиши шартларини янада либераллаштиришга йўналтирилган қатор нормалар назарда тутилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Сиёсий партиялардан депутатликка номзодларини ёқлаб кенг миқёсли ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб боришга шароит яратиш учун депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг “ваколатли вакили” деган янги институт киритилди, унга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим янгилик – қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди.



Шу асосда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида, шунингдек, сайлов кунда овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга.

Давлат бошлиғи хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. **Юртбошимизнинг ташаббуси билан сайлов тўғрисидаги қонунларда сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт эканлиги тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.**

2009 йилги сайловлар жараёнида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди. Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортигини ташкил этади.

**“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди.

**Биринчидан,** “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф берилди.

“Сайловолди ташвиқоти” тушунчасининг ўзига аниқ таъриф бериш мақсадида бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усулларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Бу, авваламбор, партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Шунинг учун сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозим.

Бундай тажриба турли демократик мамлакатларнинг сайлов қонунчилигида кенг қўлланиб келинмоқда.

**Иккинчидан**, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш тўғрисидаги таклифни амалга ошириш сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, ким учун ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча вақт берилишига имкон яратади. Бундан ташқари, кўрсатилган тартиб овоз бериш арафасида турли суиистеъмомлик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олиш имконини ҳам беради.

**Таклиф этилган ўзгартишлар** сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари ва халқаро амалиётга тўлиқ мувофиқ келади. Маълумки, бир қатор демократик давлатларда овоз бериш бошланишидан бир кун олдин сайловчиларга номзодлар ҳақида яна бир бор чуқурроқ ўйлаб кўриш имконини беради.

**Учинчидан**, кейинги таклиф муддатдан олдин овоз бериш тартиб-тамойилларини ва муддатларини қонунда аниқ белгилаб қўйишга йўналтирилган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонун 38-мод-

дасининг ҳаракатдаги таҳририда сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақасининг шакли, сайлов варақаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Бирок, қонунда муддатдан олдин овоз бериш муддатлари ва тартиб-тамоийли аниқ белгилаб қўйилмаган, бу, ўз навбатида, участка сайлов комиссиялари фаолиятида муддатдан олдин овоз беришни ўтказишда турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Концепцияда кўрсатилган мазкур таклифнинг амалга оширилиши сайлов қонунларидаги бўшлиқни тўлдириш билан бирга фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, уларнинг ўз эрklarини эркин ифодалашини, участка сайлов комиссиялари фаолиятида ошқоралиқни таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлади.

**Тўртинчидан,** “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунларга “овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади” деган норманинг киритилиши сайловчилар ҳуқуқларининг янада ишончли ҳимоя қилиниши, муайян номзодга гаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради.

**Бешинчидан,** “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик

ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритилиши Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

**Давлат раҳбари таъкидлаганидек, юқорида баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррар<sup>1</sup>.**

Дехли университети профессори Н. Руми таъкидлаганидек: “Ўтган йиллар давомида мамлакатда сайловлар жараёнида эркинлик ва тенгликнинг чинакам кафилига айланган Марказий сайлов комиссиясининг роли анча мустаҳкамланди. Ўзбекистон депутатликка кўрсатилган хотин-қиз номзодлар учун 30 фоизлик квота берилган, шунингдек, Экологик ҳаракат депутатлари учун парламентда қонунчилик микёсида маълум миқдорда жой ажратилган санокли мамлакатлардан биридир”<sup>2</sup>.

“Пантеон Ассас Париж 2” университети профессори Ж.Барр қайд этганидек: “Ўзбекистон Президенти қайд этган Ўзбекистон сайлов тизимининг такомиллашуви масаласи демократлашув жараёни ва сиёсий партиялар фаолиятининг кучайишида ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ролини ошириши йўлида ҳам ниҳоятда муҳим асос бўлиб хизмат қилади”<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 41.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 11 декабрь.

<sup>3</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 19 ноябрь.

## V. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун шароитлар яратиш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти институтлари – жамоат бирлашмаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида боби бағишланган. Конституциянинг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ривож этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашинишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашинишига йўл қўйилмайди.

**Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади<sup>1</sup>.**

Жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги конституциявий принципи жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилишини кафолатлайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат ноижорат ташкилотларининг мустақиллиги, уларни ташкил этиш ва фаолиятига доир асосий демократик принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 41.

манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

**Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир.**

Уларнинг қаторида:

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати;

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси;

“Соғлом авлод учун” жамғармаси;

“Нуроний” жамғармаси;

“Ижод” фонди;

Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда қонунчилик базасини яратилганлиги, **Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар** ва бошқа бир қатор шу турдаги институтлар, ташкилотлар ташкил этилишига имкон берди.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 42.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг<sup>1</sup>** 2007 йилда қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Кўрсатилган қонун нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ катор ҳуқуқий масалаларни, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти эркинлиги, ахборот олиш эркинлиги ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи кафолатларини назарда тутди. Мазкур қонунга мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бერмайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш тақиқланади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

Ахборотдан фойдаланиш тегишли материалларни эълон қилиш йўли билан ҳамда уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўёбга чиқарилиши орқали таъминланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг сўровига иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида бел-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил. 1–2-сон, 2-модда.

гиланмаган бўлса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Агар орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ўзига мурожаат этган нодавлат нотижорат ташкилотига сўров олинган санадан эътиборан етти кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши, шунингдек, имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари нодавлат нотижорат ташкилотларига бу ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**2003 йил 29 августда қабул қилинган “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонун<sup>1</sup>** жамоат фондлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, уларни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, фонд фаолиятининг иқтисодий асосларини, фонд фаолиятининг кафолатларини ва фондлар фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни белгилаб берди. Мазкур қонун мамлакатимизда жамоат фондларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

2007 йилда **Ўзбекистон Республикасининг “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг<sup>2</sup>** қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик ҳаракатининг янада ривожланишига шарт-шароит яратди. Мазкур қонун ҳомийлик ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш би-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 141-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 17–18-сон, 174-модда.



лан бирга, ҳомийлик ташкилотлари фаолиятининг кафолатларини ва бу фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди.

**Мазкур қонунга кўра, давлат ҳомийликни қуйидаги шаклларда қўллаб-қувватлаши мумкин:**

- ҳомийлик ташкилотлари ишлаб чиқадиган ҳомийлик дастурларини танлов асосида давлат томонидан молиялаштириш;

- давлат мол-мулкани ҳомийлик ташкилотларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул ёки имтиёзли асосда мулк қилиб бериш;

- давлат мулки бўлган бинолар, жойлар ва бошқа мол-мулк ижараси ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш;

- ҳомийлик ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

- ҳомийлар, кўнгилчилар ҳамда ҳомийлик ташкилотларини рағбатлантириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат ҳомийликни бошқа шаклларда ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори** жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнларини янада чуқурлаштириш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш ва улар фаолияти миқёсини янада кенгайтириш борасида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Президент қарори билан вазирликлар ва идораларга, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига фуқаролик жамияти институтларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва уларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишини таъминлашга йўналтирилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш мажбурияти юкланди. Қўрилган чора-тадбирлар фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши ва ижтимоий фаоллиги ошишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Концепцияда қайд этилганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма Қарори**<sup>52</sup> ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, **Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди** ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган **Парламент комиссиясининг** ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлигига фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун **Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилганлиги** ҳам далолат беради.

Давлат бошлиғи томонидан, юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини янада кучайтириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича мақсадларни руёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканлигини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор қонунларни қабул қилиш, шунингдек, ҳаракатдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф берилди.

**Биринчидан**, Президент томонидан таклиф этилган **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг** қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошқора-лиги ва самарадорлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ри-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 7-сон, 409-модда.

вожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий база-ни мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни амалга ошириш:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш;
- маҳалланинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш;

- маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантириш учун шароитлар яратиш;

- маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш учун шароитлар яратиш;

- давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтириш учун ҳуқуқий асосларни яратиш имконини беради.

**Учинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва ролини янада ошириш мақсадида Президент томонидан “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

Мазкур таклифнинг амалга оширилиши оқсоқоллар сайловини янада демократлаштиришни, уларнинг обрўсини оширишни, энг асосийси, фуқароларнинг маҳалла ижтимоий ҳаётида фаол қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

**Тўртинчидан**, Президент ўз маърузасида “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул

қилиш фурсати етганлигини таъкидлаб ўтди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоат, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга;

- жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини белгилаш;

- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини қонунда мустаҳкамлаб қўйиш;

- жамоатчилик назорати соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш имконини беради.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлашга, жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

**Бешинчидан,** Концепцияда инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чоратадбирларни ўзида мужассам этиши кераклигига алоҳида эътибор қаратилди.

**Олтинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифнинг амалга оширилиши жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кучайтирилишини таъминлайди.

**Еттинчидан,** Концепцияда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш,

ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Саккизинчидан**, бутун дунёда экологик ҳолатнинг кескинлашганлиги ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга йўналтирилган чоратадбирлар қўриш зарурияти вужудга келганлиги муносабати билан Президент томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини белгилашга йўналтирилган **“Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида киритилган таклиф алоҳида аҳамият касб этади. Қўрсатилган қонун лойиҳасида қуйидагиларни:

- экологик назорат, шу жумладан, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг турлари, шакли ва усулларини;

- экологик назоратни амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқлари;

- экологик назоратни амалга ошириш муносабати билан талаб қилинган ахборотларни тақдим этиш бўйича мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари, шунингдек, экологик назоратнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бошқа масалаларни назарда тутиш лозим бўлади.

Қўрсатилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жамият аъзоларининг фаоллигини оширишга ва кучли фуқаролик жамияти қўриш жараёнининг жадаллашишига қўмақлашади.

Концепциянинг айнан мазкур йўналиши юзасидан хорижий экспертлар томонидан билдирилган айрим фикрларни келтирамиз. Украина Стратегик тадқиқотлар миллий институти директори маслаҳатчиси, Фуқаролик жамияти муаммоларни тадқиқ этиш маркази раҳбари В. Кулик таъкидлаганидек: “Ўзбекистонда қисқа вақт мобайнида фуқаролик жамиятининг қудратли пойдевори шаклланишини тан олмасликнинг иложи йўқ”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 10 декабрь.

Бундан ташқари, В.Кулик қайд этганидек: “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ва “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши эса фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзига хос ўрин тутди. Ушбу қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради”<sup>1</sup>.

Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни ривожлантириш жамияти раиси Детлеф Краа (ГФР) таъкидлаганидек: “Ўзбекистонда давлат кучли фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитни таъминламоқда. Бунда улар шунчаки қузатувчи бўлиб эмас, балки демократик жараёнда фаол иштирок этмоқдалар. Демократик тенглик тамойили ҳар бир фуқарога мамлакат келажagini белгилашда қатнашиш имконини беради. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг тажрибаси жуда ибратлидир”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> “Халқ сузи”, 2010 йил 10 декабрь.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

## VI. ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Мамлакатни ислоҳ қилишнинг устувор принципларидан бири иқтисодиётни мафқурадан ҳоли этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, шу билан биргаликда, ўтказилаётган ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб боришдир. Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Юқорида айтилганларнинг барчаси мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилганлиги боис эришилди. **Иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизациялаштиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди, бу эса ўтказилаётган бозор ислоҳотларининг муқаррарлиги кафолати бўлди (Фуқаролик, Ер, Солик ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Чёт эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чёт эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги**

Қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва бошқа қонунларни қайд этиш мумкин).

Бироқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жараён давом этиши керак. Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш масалаларига келганда, Президент: “Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур”<sup>1</sup>, – деб таъкидлади.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига** кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди<sup>2</sup>.

**Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.** Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

**Конституциянинг 54-моддасига** мувофиқ, мулкдор мулкига уз хохишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 48.

<sup>2</sup> 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

<sup>3</sup> Ўша жойда.



Ўзбекистонда хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиб, қонун хусусий мулкдор ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлайди.

Президент томонидан тақлиф этилган **“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг** ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашга, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган мулкнинг дахлсизлигини таъминловчи ишончли кафолатлар тизимини яратишга йўналтирилган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорларнинг ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этишининг ҳуқуқий кафолатларини янада кенгайтиради.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

**“Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонуннинг** ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши айнан юқорида кўрсатилган мақсадларга хизмат қилади. Бундан ташқари, мазкур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлашга қаратилган бўлиши керак.

Президентнинг **бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш** тўғрисидаги тақлифи Ўзбекистон шароитида алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур тақлифнинг амалга оширилиши ишлаб чиқаришнинг муносабатларини тубдан ўзгартиришга, оилавий бизнеснинг ривожланишига кучли туртки беради, ҳамда янги иш ўрин-

ларининг очилишига ва халқ фаровонлигини сезиларли юксалтиришга хизмат қилади.

Айтиб ўтилган қонунда оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари кўрсатилиши шарт. Бу иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий бизнеснинг жадал ва кенг ривожланишига шароит яратади.

Концепцияда алоҳида таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши **хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ.** Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

**“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги тақлиф корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш имконини беради.** Ушбу қонунда акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг манфаатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилиши лозим бўлади.

**“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш вазифаси мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи**

навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлашга йўналтирилган.

Мазкур қонунда:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари секторини кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, **давлат буюртмаларини олиш**, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ўз ҳуқуқий ечимини топиши лозим.

**“Рақобат тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклифи монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишга қаратилган.** Мазкур қонунда биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормалар ҳам ўз аксини топади.

**“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши зарурияти бу соҳадаги қонунчиликни уйғунлаштирилиши зарурияти билан асосланади.** Бундан ташқари, бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, “олтин” акцияларни давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш мақсадини кўзлайди. Бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига

хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиклиги ва ошкоралигини кўзда тутиш лозим.

Концепцияда назарда тутилганидек, юқорида таъкидлаб ўтилган фоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. **“Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”**ги, **“Гаров реестри тўғрисида”**ги, **“Риэлторлик фаолияти тўғрисида”**ги, **“Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”**ги, **“Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”**ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Мухтасар қилиб айтганда, Концепцияда қўйилган вазифалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истикболлари ва устувор йўналишларини белгилаб беради. Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ички эҳтиёжнинг ўсиши масалаларига алоҳида эътиборни қаратади.

Сингапур тадбиркорлари федерацияси президенти Ж.Хуанг таъкидлаганидек: “Тараққиётнинг ўзбек модели ўзининг юксак самарадорлигини намоён этиши билан бир қаторда, мамлакат раҳбариятининг узоқни кўра билиб, оқилона иқтисодий сиёсат юритгани натижасида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари 3,5 баробарга, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарга ўсди”<sup>1</sup>.

Кембридж форумининг Марказий Осиё бўйича эксперти С. Вараджакон эса қуйидаги фикрни билдирган: “Давлатингиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция Ўзбекистонга

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 10 декабрь.

сармоя киритиш истагида бўлган хорижий инвесторлар учун ҳам муҳим рағбат бўлади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг жадал ўсиши амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини кўрсатади”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> “Халқ сузи”, 2010 йил 1 декабрь.

## ХУЛОСА

Юқорида кўрсатилган вазифаларнинг изчиллик билан босқич-ма-босқич амалга оширилиши фуқаролик жамияти куриш йўлидаги эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадларига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги принципига оғишмай рияз этилишини таъминлашга кўмаклашади.

“Пантеон Ассас Париж 2” университети профессори, сиёсатшунос Ж. Барр таъкидлаганидек: “Ўзбекистон қонунчилигига киритилиши кўзда тутилаётган, ХХІ аср талабларига жавоб берадиган ўзгариш ва янгиликлар мамлакатга нафақат янги ижобий натижа ва муваффақиятларга эришиш йўлида кўмаклашади, балки жамият таракқиётида ёш авлоднинг фаол иштирокини ҳам таъминлайди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлари демократик ва адолатли фуқаролик жамиятини куришда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшишларига имконият яратилади. Эркинлик таъмоийлининг асоси ҳам ана шундадир”<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган вазифалар ҳал этилишининг самарадорлиги ва сифати кўп жиҳатдан кадрлар потенциалига боғлиқ бўлиб, мазкур потенциални таъминлаш, шубҳасиз, *таълим муассасаларининг* асосий функцияси ҳисобланади. Шу мақсадларда Концепцияда белгиланган вазифаларнинг чуқур таҳлили асосида ўқув, илмий ва маданий-маърифий йўналишларда қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истикболларни акс эттирган ҳолда тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш лозим. Фикримизча, барча соҳалардаги давлат фаолиятининг сифати, шубҳасиз, таълим жараёнининг сифатига боғлиқ бўлади.

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2010 йил 19 ноябрь.




**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.А. Каримовнинг**

**“Мамлакатимизда демократик  
ислохотларни янада  
чуқурлаштириш ва фуқаролик  
жамиятини ривожлантириш  
концепцияси”ни ўрганиш  
бўйича**

**КЎРGAЗМАЛИ ТАҚДИМОТ  
СЛАЙДЛАРИ**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА  
СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ  
ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИДАН  
(2010 йил 12 ноябрь)**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида, ҳозирги кунда олдимизга қўйилган масалаларга объектив баҳо бериш ва узоқ муддатли мақсадларни ҳаётга татбиқ қилиш, демократия тараққий этган замонавий давлатлар сафига кириш, халқимизнинг яхши турмуш тарзини ва дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишини таъминлаш...



## ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ОЛТИТА УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

• Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш

• Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

• Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш


• Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш

• Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш


• Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш



**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ—  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**




• Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципи ҳаётга изчил татбиқ этилди.



• Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизими шакллантирилди.




• Марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг роли кучайтирилди.



• Суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирлари кўрилди ва бошқалар.

## БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Мустақиллик йилларида шакллантирилган давлат ҳокимияти органларининг тизими ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизимининг пойдеворини яратди



**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ—  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
ТАКЛИФЛАР**

**1. Конституциянинг 98-моддасига, яъни Бош  
вазир лавозимига номзод кўрсатиш тартибини  
белгилаш билан боғлиқ ўзгартиш ва  
қўшимчалар киритиш**

**Таклиф**  
Ўзбекистон  
Республикаси Бош  
вазири номзоди  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлисининг  
Қонунчилик палатасига  
сайловларда энг кўп  
депутатлик ўрнини олган  
сиёсий партия ёки тенг  
миқдордаги депутатлик  
ўринларини қўлга  
киритган бир неча  
сиёсий партиялар  
томонидан таклиф  
этилади.

**Кутилаётган натижа**  
Бош вазир номзодини  
кўрсатиш тартибининг  
демократик  
принципларини янада  
ривожлантиради;  
сиёсий партияларнинг  
ижро ҳоқимиятини  
шакллантиришдаги  
ролини кучайтиради;  
қонунчилик палатасида  
депутатлик ўрнини  
эгаллаш учун  
сайловларда сиёсий  
партиялар ўртасидаги  
курашни кучайтиришга  
шароит яратади ва б.

## **БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ТАКЛИФЛАР**

**2. Конституциянинг 98-моддасига, яъни Бош вазир лавозимига номзодни Президент томонидан Олий Мажлисга такдим этиш муддатлари билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

### **Таклиф**

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти такдим этган  
Бош вазир лавозимига  
номзодни кўриб  
чиққанидан кейин ўн кун  
муддат ичида уни  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
палаталарининг кўриб  
чиқиши ва тасдиқлаши  
учун таклиф этади**

### **Кутилаётган натижа**

**Ўзбекистон Республикаси  
Президентига 10 кунлик  
муддат ичида зарур  
ҳолларда Бош вазир  
номзодини таклиф этган  
сиёсий партиянинг Олий  
Мажлисидаги фракцияси  
ёки сиёсий партияларнинг  
фракциялари билан  
маслаҳатлашувлар  
ўтказиш имконини беради.  
Бош вазир номзодини  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
палаталарининг кўриб  
чиқиши ва тасдиқлаши  
учун Президент томонидан  
такдим этилиш муддати  
белгилаб қўйилмоқда ва б.**

## БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ТАКЛИФЛАР

### 3. Конституциянинг 98-моддасига, яъни Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш тартибига оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

#### Таклиф

Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири ва Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлиси Қонунчилик  
палатаси ўртасида  
зиддиятлар доимий тус  
олган ҳолда қонунчилик  
палатаси депутатлари  
умумий сонининг камида  
учдан бир қисми  
томонидан Ўзбекистон  
Республикаси Президенти  
номига расман киритилган  
таклиф бўйича Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлиси палаталарининг  
қўшма мажлиси  
муҳокамасига Бош  
вазирга нисбатан  
ишончсизлик вотуми  
билдириш ҳақидаги  
масала киритилади.

Қутилаётган натижа  
Парламентга ҳукумат  
фаолиятига таъсир курсатиш  
борасида кенг ҳуқуқлар  
беради;  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирга нисбатан  
ишончсизлик вотуми  
билдириш тўғрисида расмий  
таклиф қонунчилик  
палатаси депутатлари  
умумий сонининг камида 1/3  
қисми томонидан Ўзбекистон  
Республикаси Президенти  
номига киритилиши  
тартибининг белгиланиши  
мазкур масалани фақат  
битта сиёсий партиянинг  
Қонунчилик палатасидаги  
фракцияси сиёсий  
манфаатларидан келиб  
чиқибгина киритилишининг  
олди олинади ва б.

## БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ТАКЛИФЛАР

4. Конституциянинг 98-моддасига Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш тартиб тамойиллари ва оқибатларига оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

### Таклиф

- Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.
- Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

### Кутилаётган натижа

- Мазкур масалани ортиқча сиёсий эҳтиросларга берилмасдан, нафақат сиёсий партияларнинг манфаатларини, балки республиканинг барча ҳудудлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босиқлик билан ҳал қилиш имкониятини таъминлайди.
- мамлакатда сиёсий муҳитни соғломлаштириш ва ҳукумат сиёсатини Парламент ҳамда сиёсий партиялар электорати фикрини эътиборга олган ҳолда ўзгартиришга хизмат қилади ва б.

**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ—  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
ТАКЛИФЛАР**

**5. Конституциянинг 98-моддасига ишончсизлик  
вотуми билдирилгандан сўнг Бош вазир  
лавозимига янги номзод таклиф этиш тартибига  
оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

**Таклиф**

• Янги Бош вазир  
номзоди Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти томонидан  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлисининг  
Қонунчилик  
палатасидаги барча  
сиёсий партиялар  
фракциялари билан  
тегишли  
маслаҳатлашувлар  
ўтказилганидан сўнг  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлисининг  
палаталарига кўриб  
чиқиш ва тасдиқлаш  
учун таклиф этилади.

**Кутилаётган натижа**

• Қонунчилик  
палатасидаги барча сиёсий  
партиялар фракциялари  
фикрларини ва сайловчи-  
ларнинг манфаатларини  
ҳисобга олиш имконини  
беради.

• Ҳукуматнинг барқарор  
фаолият кўрсатишини  
таъминлашга хизмат  
қилади.

• Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири ва Олий  
Мажлис Қонунчилик  
палатаси ўртасида янги  
зиддиятлар келиб  
чиқишининг олдини олиш  
мақсадларига хизмат  
қилади ва б.



**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ –  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
ТАКЛИФЛАР**

**6. Конституциянинг 98-моддасига  
Президентнинг Парламентни тарқатиб юбориш  
бўйича ваколатларига оид ўзгартиш**

**Таклиф**

Олий мажлис томонидан  
Бош вазир лавозимиغا  
номзод икки марта рад  
этилган тақдирда  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти Бош вазир  
вазифасини  
бажарувчини  
тайинлайди ва  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлисини тарқатиб  
юборади.

**Кутилаётган натижа**

- Вужудга келган қарама-қаршиликларни бартараф қилади.
- Сиёсий танглик узок давом этишининг олдини олади.
- Ҳукуматнинг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш манфаатларига хизмат қилади.

## БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ТАКЛИФЛАР

### 7. Конституциянинг 96-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

#### Таклиф

Мамлакатнинг амалдаги  
Президенти ўз  
вазифаларини бажара  
олмайдиган ҳолатларда  
унинг вазифа ва  
ваколатлари вақтинча

~~Ўзбекистон~~ Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати  
Раисининг зиммасига  
юклатилади, бунда уч ой  
муддат ичида,  
“Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайлови  
тўғрисида”ги Қонунга  
тўлиқ мувофиқ ҳолда  
мамлакат Президенти  
сайлови ўтказилади.

#### Кутилаётган натижа

Мазкур модданинг  
ҳозирдаги матнида мавжуд  
~~бўлган нуқсонликлар~~ ва  
уни турлича талқин  
қилишларни баргараф  
этишга йўналтирилган;  
ҳал қилиб бўлмас  
низоларнинг, ҳокимият  
танглиги ва бошқа  
кўнгилсиз оқибатларнинг  
олдини олиш ва б.

## БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ- ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ТАКЛИФЛАР

8. Конституциянинг 78-моддасига, яъни Олий Мажлиснинг назорат ваколатларини кучайтириш билан болиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

### Таклиф

- Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш.

### Кутилаётган натижа

- Парламент ваколатларини ва унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид масалаларни ҳал этишга таъсирини кучайтириш;
- Бош вазирнинг масъулиятини кучайтириш
  - ҳукумат бутун таркибининг иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳада самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;
  - мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал қилиш бўйича ўз мажбуриятини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтириш ва б.

**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ-  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
ТАКЛИФЛАР**

**9. Конституциянинг 93-моддасига, яъни  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари  
лавозимига номзод кўрсатишга оид ўзгартиш ва  
қўшимчалар киритиш**

**Таклиф**

• Ҳокимларни Бош  
вазирнинг тақдимига  
биноан Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти томонидан  
тайинлаш тартибини  
жорий қилиш.

**Кутилаётган натижа**

• Бошқарув тартибини  
янада такомиллаштириш-  
га, Бош вазир ва ҳоким-  
ларнинг масъулиятини  
оширишга йўналтирилган  
ва б.

**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ—  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
ТАКЛИФЛАР**

**10. Конституциянинг 93-моддасига, яъни  
Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси  
мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқига оид  
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

**Таклиф**

Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Президентига  
Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Вазирлар  
Маҳкамаси мажлис-  
ларида раислик қилиш  
ҳуқуқини бериш.

**Қутилаётган натижа**

Президент томонидан  
давлат ҳоқимияти  
органларининг келишил-  
ган ҳолда фаолият  
юритишини ҳамда ҳамкор-  
лигини таъминлаш  
манфаатларига хизмат  
қилади ва б.

**БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ-  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
ТАКЛИФЛАР**

**11. Конституциянинг 93-моддасига, яъни Ҳисоб  
палатаси раисини тайинлаш тартибига оид  
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

**Таклиф**

Ҳисоб палатаси  
раисининг Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти томонидан  
тайинланиши ва  
кейинчалик бу масалани  
Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Олий Мажлиси-  
нинг Сенати тасдиғига  
киритиш.

**Кутилаётган натижа**

- Кўрсатилган мансабдор шахсни тайинлашда демократик принципни жорий этиш;
- Сенатнинг обрўсини янада ошириш;
- Ҳисоб палатасининг Сенат олдида ҳисобдорлигини ҳам кучайтириш ва б.

## **КОНЦЕПЦИЯ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА**

**Сингапур халқаро тадқиқотлар мактаби доктори  
Арабинда Ачарья  
(“Халқ сўзи”, 2010 йил 10 декабрь)**

“Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги ташаббуслар, шубҳасиз, юксак эътирофга муносиб бўлиб, мамлакатда демократик институтларнинг тадрижий ривожланиши жараёни кечаётганлигидан дарак беради”

## **КОНЦЕПЦИЯ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА**

**АҚШнинг Ўзбекистондаги Муваққат  
ишлари вакили Дуэйн Бутчер  
(“Халқ сўзи”, 2010 йил 19 ноябрь)**

“Ўзбекистон раҳбариятининг ҳукуматни шакллантиришда конституциявий жараёнларнинг устунлигини таъминлашдаги мажбуриятларни тўғри аниқлаб беришга интилаётганлигини кузатиш ниҳоятда қувончлидир”

## **КОНЦЕПЦИЯ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА**

**“Асия аль-Вуста” интернет нашри бош  
муҳаррири ўринбосари А. Фарук  
 (“Халқ сўзи”, 2010 йил 11 декабрь)**

“Ўзбекистон раҳбарининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган таклифлари давлат ҳокимиятининг уч субъекти ўртасидаги ваколатларни янада мувозанатлаштирилган ҳолда тақсимлашга ёрдам беради.

## **КОНЦЕПЦИЯ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА**

**Френк ЛЕМКЕ, “Германия-Ўзбекистон” дўстлик  
жамияти аъзоси (Германия):  
 (“Халқ сўзи”, 2010 йил 1 декабрь)**

“Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари муваффақиятли ҳал этилаётганлигидан далолатдир”.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА  
СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ  
ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИДАН  
(2010 йил 12 ноябрь)**

“Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

...Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди”.

**ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ—  
СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ:  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси суд тизими**

**Ўзбекистон  
Республикаси  
Конституция-  
вий суди**

**Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
хўжалик  
суди**

**Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
суди**

**Одил судловнинг янги тизими шакллантирилди  
ва судлар ихтисослаштирилди.**

## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙўНАЛИШ— СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Ўзбекистон  
Республи-  
каси Ҳарбий  
суди

Қорақалпоғис-  
тон Респуб-  
ликаси жиноят  
ишлари бўйича  
олий суди,  
жиноят ишлари  
бўйича  
вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар  
судлари

Қорақалпоғис-  
тон Республи-  
каси фуқаролик  
ишлари бўйича  
олий суди,  
фуқаролик  
ишлари бўйича  
вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар  
судлари

округ ва  
худудий  
ҳарбий  
судлар

жиноят ишлари  
бўйича туман,  
шаҳар судлари

фуқаролик  
ишлари бўйича  
туманларо,  
туман (шаҳар)  
судлари

Одил судловнинг янги тизими шакллантирилди  
ва судлар ихтисослаштирилди.

## **ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**

**Судлар фаолиятини ташкилий таъминлашнинг  
янги тизими яратилди.**





## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ- СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Суд ишларини кўришнинг апелляция тартиби  
жорий этилди.

2000 йилгача бўлган даврда суд хатоларининг  
тўғриланганлиги


50 %





-  кассация тартибида
-  назорат тартибида

2000 йилдан буён суд хатоларининг  
тўғриланганлиги

85 %



-  апелляция ва кассация тартибида
-  назорат тартибида

**ИККИНЧИ УСТУВОР ЙўНАЛИШ—  
СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ:  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**

**Адвокатура институти янги сифат босқичига  
ўтказилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар  
палатаси ташкил этилди.**

**Адвокатларга қўйиладиган квалификацияцион  
талаблар кучайтирилди.**

**Адвокатлик фаолиятига таъсир ўтказишга  
қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик  
кучайтирилди.**

## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Жиноят қонунчилигини либераллаштириш  
тизимли ва изчил олиб бориламоқда.**

1

• Жиноят қонунчилигида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар сони кенгайтирилди (умумий жиноятлар таркибларининг 70 фоизигача).

2

• Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имконияти кенгайтирилди (68,1% ҳолатларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланмоқда).

3

• Жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқариб ташланди.


4

• Озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан катта эркаклар сони кескин қисқарди (вояга етмаганларга nisbatan бу кўрсаткич 39,7% дан 14,8%гача камайди).

## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Жазо турларининг судланганларнинг умумий  
сонига нисбати**

### 2001 йил




### 2009 йил






## Ўзбекистон республикаси ЖК санкцияларидан ўлим жазоси бекор қилинишининг изчиллиги



**2008йил 1 январдан ўлим жазоси Ўзбекистон Республикаси жинойт Конунидан олиб ташланди.**

## УМРБОД ЁКИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР Сони











**Айрим МДХ давлатлари**

- |                 |                  |                 |                 |
|-----------------|------------------|-----------------|-----------------|
| ■ Молдова; 25   | ■ Озарбайжон; 10 | ■ Қозғистон; 18 | ■ Арманистон; 8 |
| ■ Беларусия; 14 | ■ Россия; 6      | ■ Грузия; 12    | ■ Тожикистон; 5 |
| ■ Украина; 11   | ■ Ўзбекистон; 2  |                 |                 |

## УМРБОД ЁКИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР СОНИ


### Айрим Европа давлатлари



- |  |   |  |
|--|---|--|
|  Голландия - 19 |  Бельгия - 6 |  Франция - 18 |
|  Польша - 5     |  Швеция - 13 |  Германия - 5 |
|  Дания - 9      |   |  |

# УМРБОД ЁКИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР СОНИ

Айрим Осиё давлатлари



## **ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**

**Судга қадар иш юритиш босқичида суд  
назоратининг кенгайиши**

**қамоққа олиш  
тарзидаги эҳтиёт  
чорасини қўллаш  
ҳуқуқининг судларга  
берилиши**


**судга қадар иш  
юритиш устидан суд  
назоратининг  
кучайтирилиши**

**судлар томонидан  
қамоққа олиш  
тарзидаги эҳтиёт  
чорасининг  
прокурорнинг  
илтимосномаси  
асосида қўлланиши**

**амнистия актини суд  
тартибида  
қўллашнинг жорий  
килиниши**


## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят  
кодексининг ярашувга йўл қўйилиши мумкин  
бўлган жиноят таркиблари сонининг кўпайиш  
динамикаси



## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ярашув институтини амалга ошириш динамикаси.  
Ярашув институтини қўллаш натижасида  
жиноят содир этган ва уларга нисбатан жиноий  
таъкиб тўхтатилган шахсларнинг сони



## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ— СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ: ТАКЛИФЛАР

